26«9»2022 yil. **7-11-157-DUM/2022-son**

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ№ 6

(Таъмирлаш ишларини амалга ошириш хакида)

Қўштепа туман «26» 09 2022 йил

**Қўштепа туман 2- ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати** кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи номидан рахбари **Н.Мадалиев** бир томондан ва "Мухаммад Мумтоза бахти" МЧЖ кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи номидан рахбари **С.Ёқубов** иккинчи томондан Қўштепа туман Халқ таълими бўлимига қарашли 2-ИДУМИ ўқув биносидаги синф хоналарини пол қисмига ленеонум ёткизиш ишлари тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига асосан 2- ИДУМИ ўқув биносидаги синф хоналарини пол қисмига ленеонум ёткизиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади хамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

## 2. Шартнома бахоси

2.1. Шартнома бахоси 55 000 000 (Эллик беш миллион) сўмни ташкил қилади.

## 3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишлар қийматини 30 % миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи хисоб ракамига хақ ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя килган холда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади.

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун хисоб-китоб хар ойнинг якунида амалга оширилади ва

1якуний хисоб китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аникланган камчиликларни бартараф қилиниши хам қўшиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул килиб олинмаса, бажарилган ишга хақ тўланмайди.

## 4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

**4.1.** Пудратчи ушбу шартноманинг 1 бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.

4.2 Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда хак тулаши махаллий бюджетдан мунтазам равишда маблаг ажратиб беришга боглик эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар хакини тулаб бериш муддати 6 ойгача чузилиши мумкин. Бу

муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия (давлат комиссияси) томонидан қабул килиб олинган санадан хисобга олинади.

## 5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Пудратчи:

5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча 1синф хоналарини пол қисмига ленсонум ёткизиш ишларини тўла хажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатида ишларни Буюртмачига 10 кун ичида топширилиши.

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни кабул килиш, тушириш тахлаш хамда саклашни амалга ошириш.

5.1.3. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш:

5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қуриқлаш буйича зарурийчора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган хажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.

5.2.2. Ушбу шартноманинг биринчи булимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган

1 миқдорда ва муддатда Пудратчига хақ тулаши шарт.

5.2.3. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичида объектни кабул килиши шарт.

5.2.4. Объект бинонинг ичкари кисмида жойлашган булса куриклаш учун буюртмачи томонидан объектни куриклаш учун масъул ходим бириктирилиши лозим.

## 6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан кабул килингандан

1 бошлаб белгиланган вақтда муддатларда хакни тулаб бермаса кечиктирилган харбир кун учун 0,4% пеня тулайди.

6.2. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % пеня тулайди.

6.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим.

## 7. Форс-можор холатлари

7.1. Тарафларнинг бирортаси хам бошка тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдидан кўра

билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва хатолар унга кўшиб уриш эълон қилиниши ёки

амалда бошланганлиги фукаролик тартибсизлиги, вабо таркалиши,блокада, эмбарго,

ер қимирилиши, сув босиши, ёнғин ва бошка табиий офатлар билан боглик холда бажармаганликлари

учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Узбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид карорлари ёки ва бошка ваколатли органлартомонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги булиб хисобланади.

7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир курсатиши ёки монейлик килиши тугрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф килиб булмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган булса ва тугаш белгилари аникланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошка тарафга хабар юбориш йули билан ушбу шартнома бекор килиниш мумкин.

## 8. Низоларни хал килиш тартиби

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик пайдо буладиган барчани низолар

1 ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йули билан хал килинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йули билан хал килиб булмаса улар конун хужжатларида

белгиланган тартибда хўжалик судида курилишига тегишли бўлади.

## 9. Шартномага кушимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага харкандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб хар иккала тараф имзолаган холларда хакикий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон

1Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни коплаш йули билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом булиш муддати 1 ойдан кўпга ошиб кетганда: Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда;

9.4. Пудратчи куйидаги холларда шартномани бекор килишга хакли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича курилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тухтатиб турганда: Буюртмачи томонидан кейинчалик куришни молиялаш имконияти йўколганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги карори бўйича шартнома бекор килинганда Буюртмачига тугатилмаган курилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг хажми киймати тулайди.

9.6. Шартноманибекоркилингакароркилган тараф бошкатарафгаёзмахабарномаюборади.

## 10.КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

8.1. ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг 2021-йил 14-сентябрдаги ПФ-6313-сон қарори билан хўжалик юритувчи субектлар томонидан тузиладиган давлат харидлари билан боғлиқ шартномаларда коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги бандлар мажбурий белгилаб қўйилади.

8.2.Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарилаётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.3. Шартнома тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (субпудратчилар, агентлар ва томонлар назорат қиладиган бошқа шахслар) коррупцияга қарши шартларни бажармаган тақдирда, бошқа томон шартномани бир томонлама тартибда тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳақли.

## 11. Бошка шартлар

10.1. Объектлар ва унга кирувчи инжинерлик тизимлари жихозлар материаллар хамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан кузланган ниятда шикаст етказган холлари бундан истисно килинади. Объект қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вактдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 3 йил кафолат муддати белгиланган.

10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф килиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси акс эттирилади.

10.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси кўрсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жихозларни хам кушиб камчиликларни бартараф килмаса уларни буюртмачи бошка бажарувчининг кучи билан харажатларни пудратчи тўлаши оркали бартараф килишига хакли.

10.5. Пудратчи аникланган камчиликлар тасдиклаш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади хамда тарафнинг мазкур масала бўйича хўжалик судига мурожаат килиш хукукини истисно килмайди

10.6. Пудратчи курилиш объектини лойиха хужжатларини ёки унинг айрим кисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учунчи шахсларга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.

10.7. Пудратчининг айби билан объектни кўриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар 1Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товон тўланади. Пудратчи барча холларда хатто тегишли харажатларни буюртмачи коплаган такдирда хам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларни кўради.

10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва харбир

томонда
1 бир нусхадан сақланади.

10.9. Тарафларнинг хохишлари буйича бошка шартлар.
10.10. Шартнома 2 томонлама имзолангандан сўнг юридик кучга киради ва "31" Декабрь 2022 йилгача

амалда бўлади.

## 12. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Пудратчи»«Буюртмачи»

Мухаммад Мумтозабахти МЧЖ

**(мол етказиб берувчининг номи)**

**Манзил:Кўштепа туман Кумтепа мфй Б.Маргилоний к 71**

**Тел/факс: +998 93 970 27 48**

**Хисоб рақами: 20208000400603841001**

**Банк номи:Хамкор банк Маргилон ф**

**МФО:00991 СТИР:303877401**

**Рахбар:_____________ С.Ёкубов**

М.У.

**« Кўштепа туман 2- ИДУМИ**
**бюджетдан маблаг олувчининг номи**

**Манзил: Фаргона вилояти, Куштепа тумани, Б. Марғлоний куча № 65**

**Тел/факс:+99 899 933-70-02**

**ШХР:100021860302067092300075001**

**СТИР: 206889094**

**Молия Вазирлиги Газначилиги**

**Газна х/р: 23402000300100001010**

**Банкнинг номи: Марказий банк ХКММ**

**МФО: 00014 СТИР: 201122919**

**Рахбар:_____________ Н. Мадалиев**

М.У.

Hujjat **<u>elektron raqamli imzo</u>** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

| | |
|---|---|
| Imzolovchi F.I.SH. | SHAVKATJON RAXIMOV ALIYORJONOVICH |
| Imzolangan sana | 26 сен 2022 15:48 |
| Hujjat kodi | **KJ4111072588** |
| Hulosa kodi | **VO7241038172** |

GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: V07241038172

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA

## HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma
2. **Loyihaning nomi: 55 000 000** so`mlik pudrat shartnomasi
3. **Loyihani ishlab chiquvchi:** Qo'shtepa tuman 2-IDUMI
4. **Loyiha kiritilgan sana:** 26.09.2022

## HUQUQIY EKSPERTIZA XULOSASI:

Mazkur loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O`zbekiston Respublikasi "Xo`jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to`g`risida" gi 29.08.1998 yildagi №670-I-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-sonli "Davlat haridlari to'g'risida" gi Qonuni bilan tartibga solinadi.

Mazkur loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O`zbekiston Respublikasi "Xo`jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to`g`risida" gi 29.08.1998 yildagi №670-I-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-sonli "Davlat haridlari to'g'risida" gi Qonuni va amaldagi qonunchilik talablariga mos ravishda tuzilgan. Tomonlarning huquq va majburiyatlari, javobgarlik masalalari keltirib o`tilgan. Mazkur shartnoma loyihasidan foydalanish mumkin.

Xulosa: Mazkur loyiha amaldagi qonun talablariga javob beradi, undan foydalanish mumkin.

Loyihani huquqiy ekspertizadan o'tkazuvchi:

**Qo'shtepa tuman adliya bo`limi**

**yuridik xizmat ko'rsatish**

**markazi boshlig`i** **I.Zokirov**

ТАСДИҚЛАЙМАН
Қўштепа туман 2-Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб- интернати
раҳбари ____________ Н.Мадалиев

06.09.2022 йил Қўштепа т

Қўштепа туман 2-Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб- интернати томонидан 30.08.2022 йил куни лот № 2211001214181l билан Қўштепа тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 2-Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб- интернати ўқув биноларининг пол қисмига лепеонум ёткизиш ишлари бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

**Б А Ё Н И № 3**

| | | |
|---|---|---|
| **Қатнашдилар:** | Н.Мадалиев | - *Директор* |
| | Х..Мадолимов | - *Бош хисобчи* |
| | Ш.Рахимов | - *Директор ўринбосари* |
| | С.Мамажонова | - *Ўқитувчи* |
| | М.Тўхтасинов | -*Ўқитувчи* |
| | Э.Ўрмонов | - *Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари* |

**Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:**

«MUXAMMAD MUMTOZA BAXTI» МЧЖ
"FAYZ MUMTOZ NE'MATI" Xususiy korxonasi

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар бахолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида мухокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан хеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи "MUXAMMAD MUMTOZA BAXTI" МЧЖ билан шартнома имзолансин хамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

**Комиссия аъзолари** Н.Мадалиев

Х.Мадолимов

Ш.Рахимов

М.Тўхтасинов

Э.Ўрмонов

**Йиғилиш котиби:** С.Мамажонова